O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... KUTUBXONASI
INV №

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2000 йил, 3 июнь, шанба № 67 (1331).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 3 июня, 2000 г. № 67 (1331).
Газета издается с 24 июня 1992 г.
● В розницу — цена свободная.

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 июнь куни Оқсарой қароргоҳида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг амалдаги раиси, Австрия Республикаси ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Вальднер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

— Ўзбекистон ЕХҲТ билан ҳар томонлама алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдордир,— деди Ислом Каримов учрашувда.— Мамлакатимиз мазкур халқаро ташкилот доирасидаги тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Б. Ферреро-Вальднер Ўзбекистонга ташрифи муваффақиятли кечаётганини таъкидлади. Чунончи, мазкур ташриф асносида мамлакатимиз раҳбарияти билан ҳам ЕХҲТ, ҳам Австрия ўртасидаги алоқаларга доир масалаларни муҳокама қилиш имконияти туғилганини қайд этди. Жумладан, шу куни эрталаб Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон билан Австрия ўртасида саноатларни рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида имзоланган битимни юқори баҳолади.

Учрашувда Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш борасидаги масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

ЗАСЕДАНИЕ СОВЕТА

Состоялось очередное заседание Республиканского совета по координации деятельности контролирующих органов Республики Узбекистан.

Заседание вел Государственный советник Президента Республики Узбекистан Г. Барноев.

На заседании в свете задач, определенных указами и выступлениями Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова, были подведены итоги проделанной работы по координации проверок проводимых контролирующими органами в первом квартале 2000 года, заслушаны отчеты о работе, проводимой по данному вопросу территориальной комиссией Республиканского совета по Республике Каракалпакстан, специализированным акционерно-коммерческим банком «Пахта—банк», Республиканским акционерно-коммерческим промышленно-строительным банком, рассмотрен ряд других вопросов.

Членам Республиканского совета, руководителям контролирующих органов было поручено активизировать работу по ограничению вмешательства со стороны надзорных и контролирующих органов в хозяйственную деятельность предприятий, в первую очередь субъектов малого и частного бизнеса, принять меры по дальнейшему сокращению количества проводимых проверок, особенно надзорных. Каждый факт противоправного вмешательства в хозяйственную деятельность предприятий предложено рассматривать как грубое нарушение законности и виновных лиц привлекать к самым строгим мерам ответственности.

По рассмотренным вопросам Советом приняты соответствующие решения.

(ЎзА).

ЗДОРОВОЕ ПОКОЛЕНИЕ — БУДУЩЕЕ НАЦИИ

В городе Гиждуване Бухарской области состоялась научно-практическая конференция на тему «Здоровое поколение формируется в здоровой среде». Выступая на конференции, заместитель Премьер-министра Республики Узбекистан, председатель Республиканского комитета женщин Д. Гулямова говорила о задачах, стоящих перед комитетами женщин и общественными организациями в деле социальной защиты семьи, материнства и детства, физического и нравственного воспитания молодежи, последовательного выполнения государственной программы «Здоровое поколение».

Участники конференции ознакомились с выставкой изделий народного прикладного искусства, изготовленных гиждуванскими женщинами-ремесленниками.

(ЎзА).

КАТТА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН

Мамлакатимизнинг бир гуруҳ таниқли санъаткорлари Қорақалпоғистон Республикаси мусиқа маданиятини ривожлантиришдаги хизматлари, Ажиниёз Қўсибой ўғлининг 175 йиллик ҳамда Бердақ Қарғабой ўғлининг 170 йиллик тўйларини муносиб нишонлашга қўшган ҳиссалари учун Қорақалпоғистон Республикасининг юксак унвонларига сазовор бўлди.

«Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Муҳаммадали Абдиқундузов, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси мақомчилар ансамблининг моҳир созандаси Абдуҳошим Исмоилов, Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмоновага «Қорақалпоғистон Республикаси халқ артисти» унвони берилди.

Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри режиссёри Носир Отабоев «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби», «Шаҳзод» эстрада гуруҳи хонандаси Рашид Холиқов эса «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлди.

(ЎзА).

● АВЕСТОНИНГ 2700 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Инсондан яхшилик, нур ва равшанлик...

БМТнинг нуфузли ташкилоти — ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 155-юбилей сессиясининг якунловчи йиғилиши 1998 йилнинг ноябрида Тошкентда бўлиб ўтган эди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов мазкур анжуманда сўзлаган нутқида уч минг йиллик ибтидосида биз икки шонли сана — Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги ҳамда зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»нинг 2700 йиллиги юбилейининг гувоҳи бўлишимизни таъкидлаган эди.

Шундан кўп ўтмай, ЮНЕСКО Бош конференциясининг Парижда бўлиб ўтган сессиясида Термиз шаҳрининг жаҳон тарихи ва маданиятида тутган ўрни муносабати билан унинг 2500 йиллигини ҳамда инсониятнинг илк маънавий қадриятларидан бири — «Авесто»нинг 2700 йиллигини бутун дунё миқёсида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ушбу улкан юбилейларнинг асосий тантаналари мамлакатимизда, хусусан, неча минг йиллар давомида Жайҳун билан сирлашиб келган шаҳар — Термизда ҳамда қадимий Хоразм заминида ўтказилиши жаҳон ҳамжамиятининг халқимиз бой тарихи ва маданиятига юксак эҳтиромидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур юбилейларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш борасида қабул қилган қарорларида уларни юксак савияда ўтказиш билан боғлиқ тадбирларнинг бутун бир мажмуи белгилаб берилди. Хусусан, илк бор «Авесто»ни ўзбек тилида нашрга тайёрлаш ва бу ноёб дурдона асарнинг инсоният тарихидаги ўрни мавзуидаги халқаро конференцияга тайёргарлик бошланиб кетди.

Бунинг маъноси шуки, бундан қарийб уч минг йил муқаддам яшаган аждодларимизнинг ҳаёти, турмуш тарзи, иймон-эътиқоди, урф-одатлари, орзу-ўйлари, маданияти, тили ва ёзувлари ҳақида янги маълумотларга эга бўламиз. Ваҳоланки, буюк давлатчилигимиз илдизлари бориб тақаладиган ўша даврларга оид шу вақтгача бўлган билимларимиз саёз, бирёқлама, асосан турли ривоят ва афсоналарга асосланган эди. Шўро замонида эса зардуштийлик фалсафасига ҳам аввало дин сифатида қаралиб, «афъюн» деб тамға урилганди.

Олимларнинг таъкидлашича, зардуштийлик энг қадимий кенг тарқалган динлардан бири бўлиб, зароастризм, оташпарастлик деб ҳам аталган. Чунки бу динга эътиқод қилганлар оловга топинган. «Авесто» уларнинг муқаддас китоби бўлиб, унинг таркибига кирувчи тариқатлар милоддан, авваллги қарийб икки минг йил давомида оғиздан-оғизга ўтиб шаклланган. Унда зардуштийлик фалсафаси, ақидалари, урф-одатлари, байрамлари ўз аксини топган. Ривоят қилинишича, «Авесто»нинг энг қадимги қисми — «Готхо» шу динининг асосчиси ва тарғиботчиси, Хоразм заминида туғилиб вояга етган Зардушт томонидан ёзилган. У ибодатхоналар қурдирган, уларнинг оташхоналарида мангу олов ёниб турган.

Тарихий манбаларда «Авесто»нинг тарига битилган мукаммал нусхаси мавжуд бўлгани, лекин унинг кўп қисми вақт ўтиши билан йўқ бўлиб кетгани таъкидланади. Буюк аллома Абу Райҳон Беруний нинг айтишича, подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида (Абисто—Авесто)нинг ўн икки минг корамол терисига тилла билан битилган нусхаси сақланган. Искандар Зулқарнайн оташхоналарни вайрон қилиб, хизматчиларини йўқ қилган вақтда уни куйдириб юборган.

Қадимшуносларнинг айтишича, «Авесто»нинг сақланиб қолган қисмининг ўзи-даноқ энг қадимги ўрта Шарқ ўлкалари, хусусан, кўҳна Хоразм тарихи, унда яшаб ўтган туркий халқлар энг қадимги аждодларининг ҳаёти билан боғлиқ кўпгина саволларга жавоб топиш мумкин. Унда келтирилган айрим географик номларга қараганда, зардуштийлик Турон заминида келиб чиққан. Чунки унда Хоразм диёри биринчилар қатори тилга олинган.

Зардуштийлик таълимотига кўра, дунёда икки асос — яъни, нур ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик, поклик ва қабоҳат, адолат ва разолат каби икки нобудо ўртасида тинимсиз кураш боради. Шунга мувофиқ равишда инсон ҳам тана ва руҳнинг қарама-қаршилигидан, унинг ахлоқи эса яхши ва ёмон хулқ-одобларнинг қоришмасидан иборат, деб тасаввур этилган. Шу боис, одамнинг ўзи ёвузликдан тозаланиши, маънавий покланиши, жамоаси аъзоларини ҳам шунга даъват этиши зарур бўлган.

Зардуштийликнинг мазмуни—моҳияти ана шу руҳ билан йўғрилган. Умар Хайёмнинг далолат беришича, зардуштийлик деҳқонларнинг дини бўлиб, бу дин Қуёш ва оловни илоҳийлаштиришга асосланган. Баҳорда Неча билан Кундуз тенг келган куни — Наврўз уларнинг асосий байрами бўлган.

Буюк Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида бу Кун афсонавий Жамшид давридан бошлаб байрам қилинаётгани айтилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, қарийб тўрт минг йилни ташкил этувчи жуда катта даврни қамраб олган, юз мингдан кўпроқ мисралик ушбу ноёб қаҳрамонлик достонида акс эттирилган воқеа ва ҳодисалар, ривоят ва афсоналарга «Авесто»да баён этилган яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги азалий ва абадий кураш руҳи сингдирилган. Инсон ана шу кураш алангасида тобланади, руҳан поклаиниб, маънавий юксалади, барча эзгулик ва бунёдкорликнинг чинакам ижодкорига айланади. Зеро:

Инсондан яхшилик, нур ва равшанлик,
Инсонсиз дунёда йўқ
фаровонлик.

Ёқуб ИБРОҲИМОВ.
(ЎзА).

ЭЗГИ УҚУВ МАВСУМИ МАШҒУЛОТЛАРИ БОШЛАНДИ

С ДОБРЫМ НАПУТСТВИЕМ

В первый день летней боевой учебы в воинском коллективе части, где командиром офицер Владимир Кожухов, состоялся торжественный митинг, посвященный началу нового учебного периода.

Открыв митинг, заместитель командира части по работе с личным составом майор Махмуджон Тиллабаев предоставил слово для напутствия воинов заместителю командующего ВВС и Войсками ПВО по воспитательной работе генерал-майору Александру Камбарову. Призыв генерала повышать бдительность и боевую готовность, надежно стоять на страже независимости и мирной жизни народа вдохновил воинов твердо следовать своему долгу.

С добрыми пожеланиями военнослужащим в их нелегком ратном труде обратились с трибуны приглашенные гости: от областного фонда «Нуроний» — Абдусатторбобо Кадыров, от городского фонда «Камолот» — Уткир Дадабаев.

Выступая с ответным словом, старший лейтенант Ибрагим Мухамедов, командир отделения сержант Рахим Каршибаев, а от имени новобранцев рядовой Икром Курбанов заверили гостей, что приложат все силы и умение для совершенствования своего воинского мастерства, обеспечения неприкосновенности воздушных рубежей Родины.

После прохождения торжественным маршем подразделения разошлись по учебным местам — летний период стартовал! Для офицеров данной части этот день станет особо памятным еще и потому, что первое занятие по общественно-политической подготовке с ними провел генерал-майор А. Камбаров.

Получив мощный эмоциональный заряд от добрых напутствий, воины твердо настроились добиваться новых успехов в боевой учебе.

Капитан А. КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

Капитан Ҳуснитдин Қодиров командирлик қилаётган илғор бўлинма посбонлари ёзги ўқув мавсумининг барча синов машғулотларида юксак натижаларни қўлга киритишга аҳд қилишган.

Д. ХОЛЛИЕВ суратга олган.

Жанговар шайлик машғулотлардан бошланади

Шахсий таркибнинг асосий вазифаси ҳар он, ҳар дақиқа жанговар шай ҳолатда турмоқликдир. Аслида жанговар шайлик қамрови кенг тушунча бўлиб (балки тушунча дейишимиз унчалик тўғри эмасдир. Жанговар шайлик — куч, жанговар шайлик — маҳорат, жанговар шайлик — маънавий етуклик, ҳақиқий ватанпарварликдир), барча тайёргарликлар маромига етказилсагина пайдо бўлади ёки жанговар шай, дея баҳо берилади. Жанговар шай бўлиш, ана шундай баҳога сазовор бўлиш осон эмас. Чўққига ҳам аста-секин чиқилади, дейишади. Жанговар шайликни чўққига қиёслаганда, демак уни аста-секинлик билан эгалламоқ керак. Ана шу аста-секинлик ўқув мавсумларидир. Маълумки, ўқув мавсумлари йилда икки бор бўлади. Бири қишки бўлса, бири ёзгидир. Одатда, улар пухта режага асосан ўтказилади.

1 июнь куни Мудофаа вазирлигининг барча қисм ва бўлинмаларида янги ёзги мавсум машғулотларига старт берилди. Подполковник Нажмиддин Тешаев командирлик қилаётган қисмда ҳам янги мавсум зўр кўтаринки руҳда бошланиб кетди. Бир кун аввал командирнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари майор Рамазон Наврўзовни ўз хонасида роса банд ҳолатда учратдим.

— Эртанинг тайёргарлиги, — деди майор узр дегандай. — Режаниям бир кўздан кечирянман. Жуда ҳаяжондаман. Янги ўқув мавсумини биринчи кунидан яхши кайфият билан бошласак, шу кайфият мавсум давомида ҳамроҳимиз бўлади.

Майорнинг гапи ижобат бўлди. Янги ўқув мавсумининг очилиш маросими кўтаринки руҳда ўтди. Командир подполковник Н. Тешаев шахсий таркибга ёзги ўқув мавсумининг ўзига хос хусусиятлари, вазифалари ҳақида тушунтириб берди.

Шундан сўнг капитан Т. Бобоев, кичик сержантлар — Н. Нуржатаев, А. Жумабоев, оддий аскар К. Раҳимовлар сўзга чиқишиб, мавсумни юқори кўрсаткичлар билан якунлаш учун бугундан ҳаракатни бошлаш кераклигини таъкидлашиб, барчага муваффақиятлар тилашди.

Дарҳақиқат, шундай. 1 июнда барча ҳарбий даргоҳларда бўлганидек, мазкур қисмда ҳам ёзги ўқув мавсуми анъанага кўра тантанали митинг билан бошланиб, шахсий таркиб минбар ёнидан оркестр садоси остида шахдам қадамлар ташлаб ўтишгач, дастлабки машғулотлар бошланиб кетди. Демак, янада мукаммал шайлик томон ҳаракат бошланди. Бу тан олинган ҳақиқат—жанговар шайлик машғулотлардан бошланади. Машғулотлар назарийми, амалийми, талаб даражасида ўтказилмоғи зарур.

Ишончимиз комилки, подполковник Н. Тешаев командирлик қилаётган қисм шахсий таркиби бу мавсумни ҳам кўнгилдагидек якунлашиб, аъло натижаларни қўлга киритишади. Жанговар шайлик яна бир погона юқорига кўтарилади.

Майор А. ОБРЎЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Навоий гарнизони.
(Факс орқали).

Уюшқоқлик билан киришилди

Ёзги ўқув мавсуми бошланиши муносабати билан Шимоли-ғарбий ҳарбий округ саф майдончасида тантанали митинг бўлиб ўтди. Уни округ қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Т. Ҳамроқулов кириш сўзи билан очди. Сўнгра сўз округ қўмондони полковник Б. Тошматовга берилди. Улар шахсий таркибни ёзги ўқув мавсуми бошланиши билан табрикладилар. Полковник Б. Тошматов ўз маърузасида Қуролли Кучларимизнинг ҳозирги энг асосий вазифалари, мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар, армиямиздаги ислоҳотлар тўғрисида атрофлича фикр юритди.

Вақтинча қисм командирининг вазифасини бажарувчи майор С. Муитдинов табрик сўзида шахсий таркибнинг ёзги ўқув мавсумида эришмоқчи бўлган вазифаларини шараф билан бажаришини, ҳарбий Қасамёд ва ҳарбий Низомлар талабларига оғишмай амал қилишларини ишонтириб айтди. Аскарлар номидан сўзга чиққан кичик сержант К. Норбоев ва оддий аскар М. Раҳимовлар ҳарбий техника ва жанговар қуролларни яхши ўрганиб, ўз хизмат вазифаларини чин дилдан бажаришга сўз бердилар.

Ёзги ўқув мавсуми бошланиши муносабати билан ўтказилган митингда Мудофаа вазирлигидан генерал-майор А. Качанов қатнашди. Митингдан сўнг ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича машғулотлар бошланди.

Шартнома бўйича хизмат старшинаси О. АРЗИЕВ,
жамоатчи мухбиримиз.
Нукус гарнизони.
(Факс орқали).

Первые шаги

С торжественного построения личного состава начался летний период обучения в части, где командиром майор Х. Абдулкасимов. Обратившись к подчиненным, командир призвал солдат и сержантов, офицеров и прапорщиков приложить все силы для дальнейшего совершенствования воинского мастерства, повышения боеготовности части.

Запомнились выступление на митинге рядового А. Акрамова, выступавшего от имени новобранцев. Он заверил, что новое пополнение защитников Узбекистана в кратчайшие сроки освоит свою воинскую специальность, будет надежной заменой ушедшим в запас опытным воинам.

Отзвучали мелодии торжественных маршей, и воины-связисты приступили к учебе. На высоком уровне прошли в подразделениях первые занятия по общественно-политической подготовке. С особенностями военно-политической обстановки, сложившейся в регионе, слушателей ознакомили опытные офицеры, представители вышестоящего штаба.

Затем военнослужащие побывали в парке, где изучили вооружение и технику связи, имеющуюся в части. С ними были проведены занятия по соблюдению мер безопасности при обращении с ней, приняты соответствующие зачеты.

Итак, старт летней боевой учебы прошел успешно. С соблюдением принципа «От простого — к сложному» начались занятия по отработке действий личного состава по сигналам боевой готовности. Пройдет совсем немного времени, и закипит жизнь на войсковых стрельбищах, полигонах и танкодромах. В любую погоду, днем и ночью будут осваивать воины-узбекистанцы нелегкую науку побеждать.

Первые занятия выявили первых лидеров. Так, взвод, которым командует капитан М. Акбаров, уже отмечен при подведении итогов как подразделение, где личный состав наиболее быстро и качественно действовал по сигналам боевой готовности. Во многом это заслуга младших командиров подразделения, сумевших хорошо подготовиться к первым занятиям, организованно начавших обучение подчиненных.

Сегодня началась боевая учеба во всех частях и подразделениях Вооруженных Сил. И в каждом, даже самом отдаленном гарнизоне полны желания не только успешно завершить учебный год, но и добиться высоких результатов в соревновании за право называться лучшим соединением Вооруженных Сил. На старте учебного года все находятся в равных условиях. Ну, а конечный результат будет зависеть оттого, насколько четко и организованно пройдут занятия в ходе всего периода обучения.

Майор Т. АБДУСАИДОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Каршинский гарнизон.

САЙЁРАМИЗ ДОСИ



МОСКВА. Россия президенти матбуот хизматидан маълум қилинишича, Владимир Путин расмий ташриф билан 13—14 июнь кунлари Испанияда ва 15—16 июнь кунлари Германияда бўлади.

В. Путиннинг Испанияга ташрифи дастурида қирол Хуан Карлос биринчи ва мамлакат бош вазири Хосе Мария Аснар билан учрашув кўзда тутилган.

✡✡✡

ХАНОЙ. Жаҳон банки Вьетнамдаги қишлоқ жойларни электрлаштириш лойиҳасини амалга ошириш учун ушбу мамлакатга йирик миқдорда имтиёзли кредит ажратди. Лойиҳа мувофиқлаштирувчиси Ашил Малхотранинг айтишича, жорий йил давомида Вьетнамга 150 миллион АҚШ доллари етказиб берилади.

✡✡✡

ЖАКАРТА. Индонезиянинг Ачех вилоятида ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги келишув кучга кирди. У уч ой амал қилади. Кузатувчилар ҳақиқий ... ҳолаб, келишув бузилиши мумкин, демоқда. Чунки, ҳали ҳам ўқ ва портлаш овозлари эшитилиб турибди.

✡✡✡

БИРОБИЖОН. Бу ерда юз берган довул оқибатларини бартараф қилиш ишлари давом этяпти. Бир неча кун олдин содир бўлган табиий офат натижасида кўп қаватли бинолар, электр ва алоқа тармоқларига анча шикаст етган эди. Бахтли тасодиф туфайли қурбонлар бўлмаган, лекин жароҳатланганлар кўп.

✡✡✡

ТОКИО. Япония бош вазири Иосиро Мори парламентнинг қуйи палатасини тарқатиб юборишга қарор қилди. Хабарларга қараганда, энди 25 июнь — собиқ бош вазир Кэйдзо Обути туғилган кунда умумий сайлов ўтказилади.

И. Мори амалдаги ҳукумат сайловда галаба қозонишига ишонч билдирмоқда.

✡✡✡

ПАРИЖ. Франциянинг Эврё шаҳри яқинида вертолёт ҳалокатга учраши натижасида икки киши ҳалок бўлди ва яна икки нафари жароҳатланди. Ҳалокат сабаблари ҳали аниқланган йўқ.

✡✡✡

НЬЮ-ЙОРК. БМТнинг Грузиядаги миссияси ходимлари Абхазиянинг Кодорск дарасида бедарак йўқолган ҳарбий кузатувчилар гуруҳини қидирмоқда. Ҳозирча бу ҳаракатлар ҳеч қандай фойда бераётгани йўқ.

Маълумотларга қараганда, йўқолган гуруҳ сафида беш киши бўлган. Уларнинг икки нафари даниялик, яна иккитаси британиялик кузатувчилар эди. Улар орасида маҳаллий таржимон ҳам бўлган. Тахминларга кўра, кузатувчилар жиноий тўдалар қўлига тушиб қолган ва гаровга олинган бўлиши мумкин.

✡✡✡

МЕХИКО. Мексика шарқида тинимсиз ёмғирлар оқибатида юзага келган вазият етти кишининг ўлимига сабаб бўлди. Фуқаро мудофаси хизмати берган маълумотларга кўра, Веракрус штатида ёмғир туфайли ярқсиз ҳолга келиб қолган йўлда автобус ағдарилиши натижасида олти нафар йўловчи ҳалок бўлган ва етти киши жароҳатланган. Оахака штатида эса, ёмғир бир боланинг ўлимига сабаб бўлди.

✡✡✡

СУВА. Фижида давлат тўнтаришига уриниш қилган исёнчилар раҳбари Жорж Спейт мамлакатда тузилаётган янги ҳукуматда ўзи учун Бош вазир лавозими берилишини талаб қилмоқда. Айни пайтда у бошчилик қилаётган исёнчилар мамлакат парламенти биносида 30 кишини, жумладан, демократик йўл билан сайланган Бош вазир Маҳендра Чоудрини гаровда ушлаб турибди.

✡✡✡

ВЕНА. Бу ерда почта миниатюралари халқаро кўргазмаси очилди. Кўргазмага қўйилган барча экспонатлар 1 миллиард шиллингга суғурта қилинди.

(ЎзА).

● ПОДПИСКА-2000

К читателям газеты „Ватанпарвар“

Продолжается подписка на периодические издания, в том числе и на нашу газету, на 2-е полугодие 2000 года.

Подписная цена на газету «Ватанпарвар» на 2-е полугодие составляет:

— для города Ташкента:
а) на адрес воинской части
1 месяц — 365
3 месяца — 1095
6 месяцев — 2190
б) на домашний адрес:
1 месяц — 495
3 месяца — 1485
6 месяцев — 2970
— для Ташкентской области:
а) на адрес воинской части
1 месяц — 388
3 месяца — 1164
6 месяцев — 2328
б) на домашний адрес:
1 месяц — 419-60
3 месяца — 1258-80
6 месяцев — 2517-60

Подписная цена в областях республики устанавливается в каждой области отдельно. Справку о подписной цене на нашу газету можно получить в местном почтовом отделении или пункте приема подписки.

Уважаемые читатели газеты «Ватанпарвар»! При подписке на нашу газету на текущий год значительная часть из вас подписалась на 6 месяцев. Сейчас пришло время продлить подписку до конца года. Редакция выражает уверенность, что вы останетесь верны нашей газете. Подписку на газету «Ватанпарвар» (индекс 114, 115) можно оформить в местном почтовом предприятии государственной акционерной компании «Узбекистон почтаси» или непосредственно в отделе подписки издательства. В этом случае организатор подписки должен выслать по почте или доставить лично в отдел подписки заказ в двух экземплярах, заполненные абонементы и доставочные карточки, деньги или банковское поручение об их перечислении на расчетный счет издательства.

Расчеты производить через РКЦ Ташгоруправления Центрального банка Республики Узбекистан.

Наш расчетный счет — 21506000200447951001. Код банка (МФО) — 00014. Идентификационный номер — 201088604.

РЕДАКЦИЯ.

ДАЪВАТЛАРГА МУНОСИБ

Полковник Равшан Камолов командирлик қилаётган қисмда ёзги ўқув мавсумининг бошланиши катта тантанага айланиб кетди. Посбонларнинг кайфияти аъло, қалбларида қатъият мужассам эди, бу кун. Сабаби битта: посбонлар янги мавсумга, ундаги масъулиятли вазифаларга шай.

Қалблари Ватан туйғуси билан депсиб турган шерюрак ўғлонларни янги мавсумнинг илк онлари билан қутлашга келганлар ўз сўзларида уларни юрт сарҳадларини муносиб ҳимоя қилишга, бурчга садоқатли бўлишга даъват этдилар. Жумладан, қисм командирининг посбонларга қарата айтган табрик сўзларидан сўнг, минбарга «Нуроний» жамғармасининг туман бўлими раҳбари Хайрулло Мўталов, мактаб директори Даврон Ушоқов, Тошкент гарнизони қўмондонлигидан подполковниклар — Герман Бозоров, Равшан Қаюмовлар чиқишди.

Ватан сарҳадларини муносиб ҳимоя этишлари учун айтилган бу даъватлар, бу тилаклар посбонларни руҳлантириб юборди. Оддий аскар Алишер Бўроиов, оддий аскар Темур Казаков сафдошлари номидан сўз олишиб, билдирилаётган юксак ишончни оқлашларини айтишди. Ҳа, йигит омон бўлса, юрт юки ерда қолмайди. Дивизион командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари майор Эркин Ортиқов ўз сўзида буни яна бир бор таъкидлади. Посбонларнинг жанговар тайёргарликлари даражасини янада оширишига ишонч билдирди.

— Шу куннинг ўзида режа бўйича ёзги мавсум машғулотларига киришилди. Белгиланган мавзу бўйича ижтимоий-сиёсий машғулотлар ўтказилди. Машғулотларда аскарларимизнинг фаоллиги диққатга сазовор бўлмоқда. Мен бунинг замирида бир нарсани кўраман: ўзбек йигити бир сўзли бўлади. Сўз бердими, ишончни оқлайди, — деди қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Жумамурод Ҳожиев.

Катта лейтенант Ш. ТОЛМАСОВ.

● ГРАНИ ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ

ПОВЕРЬ В СЕБЯ

Молодой офицер большие резервы повышения боеготовности подразделения нашел в усилении организаторской и воспитательной работы, серьезное внимание уделяя командирам групп и сержантам. С начала учебного года он помогал им повышать воинское мастерство, овладевать искусством обучения и воспитания подчиненных, проводил с ними инструкторско-методические и командирские занятия.

— С интересом мы обсуждали такие вопросы, как авторитет сержанта, сочетание методов убеждения и принуждения, индивидуальный подход к воинам, — рассказывает младший сержант Ш. Миршарипов. — И полученные знания стремились применять на практике, стараясь создать в коллективе обстановку непримиримости к недостаткам. В результате у нас не было серьезных нарушений воинской дисциплины, все задачи успешно выполнялись.

— Считаю, что именно в группах закладываются основы боевой готовности подразделения, — констатирует лейтенант О. Эшанкулов, — осуществляется рост солдата-специалиста. Вот почему я систематически стремился к тому, чтобы в первую очередь под руководством младших командиров воины совершенствовали свое мастерство, закаляли волю и характер, вырабатывали в себе силу и ловкость, способность переносить большие физические нагрузки.

Здесь создана обстановка, способствующая проявлению инициативы, находчивости, товарищеской взаимовыручки. Добиваясь сплоченности, лейтенант О. Эшанкулов понимает под ней не только добрые отношения между товарищами по службе, готовность прийти на выручку друг другу, но и их взаимную требовательность. После напряженного учебного дня в группах, как правило, проходят небольшие собрания. Здесь каждый может высказать слова одобрения или сделать замечание своему товарищу. При этом никто не обижается, поскольку замечания справедливы, и старается в следующий раз ошибок не допускать.

Важным средством воспитания у воинов лучших творческих побуждений является и систематическое подведение итогов соревнования. Каждый солдат знает, чего он добился за день, кто сегодня отличился, а кто отстал и по каким причинам. Такой порядок воспитывает в каждом члене коллектива чувство ответственности за дело, дисциплинирует его и, в конце концов, позволяет достичь желаемого результата.

— В свои силы должен поверить каждый солдат, — говорит младший сержант В. Мирзаахмедов. — К этому я стремлюсь в своей деятельности. Если воин слабо успевает, оказываю ему практическую помощь. Индивидуальную работу не ограничиваю одной-двумя беседами, не опускаю руки, если это не приносит желаемых результатов. Добиваюсь, чтобы солдат преодолел свои недостатки. Этому учит и этого требует от нас лейтенант О. Эшанкулов.

Надежных помощников у офицера-воспитателя немало. Добросовестно выполняют свои обязанности прапорщик М. Обидов, старшина по контракту У. Солиев, младшие сержанты Д. Шадыев, Ш. Миршарипов, В. Мирзаахмедов и другие. Они стараются не упускать из поля зрения даже мелочь, которая так или иначе может повлиять на дисциплину. В результате воины под их руководством быстро осваиваются, совершенствуют свою выучку, духовно растут, добиваясь заметных успехов в службе.

Не забывают они своевременно и по достоинству поощрить отличившихся на занятиях воинов. Это воодушевляет передовиков на решение новых задач, вызывает у сослуживцев чувство гордости за своих товарищей, желание следовать их примеру.

Сейчас в подразделении завершилась подготовка к летнему периоду обучения. Воины трудились в парке, проверяли состояние техники, устраняли неполадки, производили регулировку приводов управления, приводили в порядок парковое оборудование.

В ходе работы заместитель командира по работе с личным составом организовал между воинами соревнование, кто лучше, быстрее выполнит намеченные операции, приведет свои машины в состояние полной боевой готовности. Каждому хотелось отличиться!

После работы лейтенант О. Эшанкулов вместе с младшими командирами подвел итоги выполнения заданий. Отметил лучших, тех, кто проявил особое трудолюбие и техническую грамотность.

Все это позволило организованно начать летний период обучения. Этому во многом способствовали организованность, деловитость, хорошо поставленная воспитательная работа. Ведь там, где коллективом умело руководят, успешно решаются все задачи.

Б. СЕРГЕЕВ.

КОМАНДИР МУЖАЕТ В ПОЛЕ

Этот день для курсантов нашего батальона начался с команды дневального «Сбор». Уже через несколько минут после того, как курсанты поднялись и, полностью экипировавшись, построились для дальнейших действий, перед ними вышел курсант К. Хамидов. Действуя в роли командира батальона, он отдал боевой приказ на совершение марша.

Конечно, к этому тактико-специальному учению готовились заранее. На проводившемся за день до его начала строевом смотре была проверена готовность техники и личного состава, заранее назначенные регулировщики давно знали свои места на маршруте, каждый — свое место в колонне. И все же с первой команды на движение все почувствовали себя словно в реальной боевой обстановке.

Колонна прибыла в заданный район, не потеряв ни минуты времени. Назначенные командиры тут же провели рекогносцировку местности, приняли меры по надежной охране и маскировке колонны.

В ходе учений автомобилисты преодолевали разрушенные мосты, отражали налеты авиации и нападения диверсионных групп «противника». Будущие заместители командиров по работе с личным составом в полевых условиях организовывали воспитательную работу: проводили беседы, выпускали боевые листки, поднимая боевой дух личного состава.

Все работали с полной отдачей сил. При подведении итогов в числе лучших были названы курсанты А. Жалилов, Б. Саидмуминов, Б. Сидиков, С. Арипов, А. Салимов и А. Юзбаев, а среди подразделений — подчиненные старшего лейтенанта К. Абдусаттарова. Эти курсанты отличались не только высокой организованностью и дисциплинированностью, но и настойчивостью и любознательностью при освоении своей будущей военной профессии.

Курсант Ш. ТУХТАСИНОВ, Самаркандское ВВАКИУ.

● ГОД СЛУЖБЫ—ПЕРВЫЙ

СТАТЬ ДОСТОЙНЫМ ВЫСОКОЙ ЧЕСТИ

Во время встреч с новобранцами, прибывшими служить в подразделениях Вооруженных Сил, эта мысль красной нитью проходила во всех беседах — ребята не только гордились высоким званием солдата, но и проникались пониманием того, что надо стать достойными этой чести.

— Для меня армия всегда была символом независимого Узбекистана, — говорит прибывший из Маргилана рядовой Ахмадали Собиров. — Впрочем, как и для множества иностранных гостей — прием руководителей государств непременно связан с прохождением перед строем отряда почетного караула.

Начав здесь службу, парень еще лучше осознал, какая это огромная ответственность — представлять миру образец оборонной мощи нашей Родины. Неустанно работая над совершенствованием своего ратного мастерства, солдат с нетерпением ждет того времени, когда сможет показать в полной мере обретаемые здесь знания и навыки.

Преодолевая первые трудности на нелегком пути солдатского становления, Ахмадали сполна познал цену войсковому товариществу, обрел здесь новых друзей. На каждом занятии — будь то дистанция марш-броска, учебный класс или строевой плац — везде он ощущает поддержку старших товарищей.

Начавшийся летний период обучения поставил перед солдатами и сержантами новые задачи, над выполнением которых наравне с сослуживцами трудится и новобранец рядовой Ахмадали Собиров. Воин хорошо понимает: теперь он в ответе за мир и покой своих земляков, за надежную защиту созидательного труда граждан своей страны.

Т. КУРБАНОВ, студент УзНУ.

ЭРТАНГИ ЮТУҚҚА БУГУНДАН ЗАМИН

Бисмиллосидан маълум, деган гап бор ота-боболаримизда. Албатта, ишни қандай бошлай олишда гап кўп. Негаки, шунга қараб, галвирни сувдан кўтарганда қандай натижаларга эришиш мумкинлигини чамаласа бўлади. Маълумки, 1 июндан Мудофаа вазирлигининг қисм ва бўлинмаларида ёзги ўқув мавсуми бошланди. Яқинда аскарлик либосини кийган посбонларда, табиийки, бироз ҳаяжон. Маълум муддат хизмат қилган аскарлар эса тажрибаларини янада бойитиш умидида мавсум машғулотларига жиддий эътибор қаратишган. Хуллас, айни пайтда қайси қисм ёки бўлинмага ташриф буюрманг, жанговар ҳаётнинг қизғин нафасини ҳис қиласиз.

Ҳар бир ўқув мавсумининг дастлабки кунидан ижтимоий-сиёсий машғулотларга жиддий эътибор қаратилади. Бу бежиз эмас, албатта. Посбоннинг онгини, дунёқарашини, маънавиятини шакллантирмай туриб, бурчини садоқат билан ўташга, жанговар хизматда ютуқларга эришишга даъват этиб бўлмайди-да. Кимни, нимани, нега ҳимоя қилаётганини англамаган посбон қандай қилиб ўз бурчини ўтай олади? Шу маънода ижтимоий-сиёсий машғулотларнинг аҳамияти муҳим.

Янги мавсумда ижтимоий-сиёсий машғулотлар «Минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон миллий хавфсизлигига таҳдид ва ҳарбий таркибнинг юксак ҳушёрлик, жанговар шайлик ҳамда мустаҳкам ҳарбий интизомни сақлаш бўйича вазифалари» мавзусида бошланди. Машғулот гуруҳлари раҳбарлари ҳарбий хизматчиларга бу мавзунинг ўта долзарб эканлигини етказишди. Биз ўтган мавсумни яхши натижалар билан якунлаб, гарнизонда илғор жамоалардан бири деб тонилган майор Нўлдош Бекчонов командирлик қилаётган қисмда бўлиб, ижтимоий-сиёсий машғулотдан олинган дастлабки таассуротлар, бу тайёргарликнинг самараси хусусида қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари катта лейтенант Элмурод Маманиев билан суҳбатлашдик.

— Мен мазкур мавзу бўйича жиддий ҳозирлик кўрдим. Энг асосий қўлланмам «Ватанпарвар» газетаси бўлди. Кўрсатилган йўналишлар бўйича қўшимча адабиётлардан, хусусан Президентимиз — Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг китобларидан анча фойдаландим. Диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ маълумотларни ҳам тўплаб боргандим. Машғулотнинг қизиқарли ўтишида булар жуда асқотди. Биласизки, жанговар шайлик, ҳушёрлик, тартиб-интизомнинг асоси ижтимоий-сиёсий машғулотлар ҳисобланади. Шу боис ҳам уни ютуқларимиз калити, деб баҳоладган ҳолда иш юритамиз. Машғулот давомида қизғин баҳс-мунозаралар бўлди. Бу — посбонларимизнинг фаоллигидан дарак. Бу — уларнинг Ватан ҳимоясидек эзгу ишга бефарқ эмаслигидан. Айниқса, сержантлар — Мирзоҳид Самадхонов, Талгат Асқаров, оддий аскарлар — Шерзод Исроилов, Умид Қудратовларни алоҳида таъкидлаган бўлардим. Машғулотларни юксак савияда бошладик. Ўйлайманки, натижалар ҳам яхши бўлади.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман. Мавсум давомидаги ижтимоий-сиёсий машғулотларда миллий гоя ва миллий мафкура масалаларига жиддий эътибор қаратамиз. Ёзги мавсум машғулотлари бошланишидан олдин офицерларимиздан бири — взвод командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари лейтенант Рашид Сандов мазкур масалага бағишланган йигинда иштирок этиб, тажриба алмашиб келди. Туман ҳокимининг ўринбосари Бахтиёр Бешимов билан маданият уйида посбонларимиз иштирокида миллий гоя ва миллий мафкурага бағишланган йиғилиш ўтказишни режалаштирганмиз. Қисқаси, мавсум давомида посбоналаримиз онгида Ватан, ватанпарварлик туйғуларини янада шакллантириш борасида муҳим ишларни олиб борамиз, — деди, жумладан, у.

Бу гаплар замирида кўзланган аниқ мақсад бор. Жамоанинг мақсад йўлида дадил одимлаганини эса ютуқлари орқали бир неча бора кўрганмиз. Сўзини амалда исботлашга одатланган-да, жамоа шунқорлари.

Катта лейтенант А. САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

ҲУРМАТГА САЗОВОР ҚОРАҚАЛПОҚ ЎҒЛОНИ

Катта лейтенант Рўзимбой Есбоганов (суратда саф олдида)нинг тўпчилар дивизиони командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозимида хизмат қилаётганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ, шундай бўлсада, у ўзининг ишбилармонлиги, тиришқоқ ва уқувлилиги билан қисқа муддат ичида жамоа орасида, командирлари олдида ҳурмат топди. Рўзимбойнинг энг эътиборли жиҳатларидан бири — унинг шахсий таркиб қалбига йўл топа олиши.

— Дивизионимиз офицер аскарларининг мавсумий ўқув машғулотларининг якуний синовларида «аъло» ва «яхши» баҳолар олишга эришиб келишаётганликларида катта лейтенант Есбогановнинг ҳиссаси салмоқли бўлаяпти, — дейди тўпчилар дивизиони командири майор Соҳиб Нарзиқулов. — У кенг тафаккурли, ҳарбий хизматни қадрловчи, ўз билганларини шахсий таркибга пухта ўргатувчи офицер.

Биз суҳбатда бўлган (**суратда сафда чапдан ўнгга**) кичик лейтенант Амангелди Реймов, катта сержант Шуҳрат Раззоқов, оддий аскарлар — Тўлқин Қаҳҳоров, Бахтиёр Раҳмонов, Соҳиб Ғуломов, Асан ва Ҳусан Утибоевлар ҳам катта лейтенант Есбоганов ҳақида фақат илиқ фикрлар билдиришди.



— Мана, ёзги мавсум ўқув машғулотлари ҳам бошланди, — дейди командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари. — Мақсадимиз — бу галги синов машғулотларида ҳам юксак натижаларга эришиш. Бунинг учун, яъни мавсумни яхши якунлаш ниятида олдиндан пухта тайёргарлик кўрдик. Офицеру аскарларимизнинг кайфиятлари кўтаринки, шижоатлари баланд. Шундай бўлгач, якуний синовларда юқори кўрсаткичларга эришишимиз, жанговар шайлигимизни янада юксалтиришимиз, шубҳасиз.

Матн ва сурат муаллифи подполковник Х. ЖУМАНАЗАРОВ.

«СПОРТ ПОМОГАЕТ СЛУЖИТЬ»

— Занятия спортом очень помогают мне осваиваться в условиях армейской жизни, — говорит рядовой Игорь Кликавко. — Особенно пригодилась кроссовая подготовка, на марш-броске показал лучшее время.

Честно говоря, думал, что здесь не будет условий для тренировок в любимом виде спорта. Однако теперь вижу, что ошибался: по выходным постоянно играем матчи между подразделениями, готовимся к первенству гарнизона по футболу.

Так что тем из спортсменов, кто опасается утратить форму за время службы, могу сказать: ребята, все зависит от вас самих. Спорт всегда был в почете в армии, потому что выполнение учебно-боевых задач требует от воина основательной физической закалки.

Что ж, можно порадоваться за новобранца, нашедшего свое место в строю, прилагающего все силы для того, чтобы стать достойным защитником Родины.

Записал Г. АБДУХАЛИКОВ, студент УзНУ.

За последние годы в нашей стране построено множество зданий, являющихся украшением городов, поселков, среди них и уникальные административные и культурные сооружения, и жилые дома улучшенной планировки, и современные производственные комплексы.

Вопросам развития и совершенствования строительной индустрии была посвящена первая научно-теоретическая конференция профессорско - преподавательского состава и курсантов инженерно-строительного факультета Ташкентского высшего общевойскового командного училища «Актуальные проблемы развития строительной отрасли Министерства обороны Республики Узбекистан».

С докладом «Основные проблемы индустриализации строительства объектов Министерства обороны» выступил начальник инженерно-строительного факультета полковник К. Кучалиев.

Географическое расположение нашей страны, ее богатейшие геолого-минералогические запасы, социологические и демографические особенности диктуют всемерную интенсификацию и модернизацию строительства, а это невозможно без индустриализации, внедрения комплексной механизации, новейших достижений научно-технической и конструкторской мысли.

Индустриализация строительства в Министерстве обороны актуальна еще и в силу рассредоточенности объектов, когда невозможно обеспечить их в необходимой степени всеми механизмами, к тому же передислокация средств механизации по небольшим объектам на недолгое время стоит очень дорого. Следовательно, необходимы разработка и выпуск таких машин, которые бы совмещали в себе функции нескольких современных агрегатов.

В докладах и выступлениях участников конференции были подняты очень важные и актуальные научные и научно-практические вопросы. С большим интересом присутствовавшие выслушали доклад профессора Р. Маракаева «Комплексная оценка влияния климата Узбекистана на проектирование зданий», доцента К. Ибрагимова «Прочность и деформируемость суглинисто-галечниковых грунтов Республики Узбекистан», капитана В. Зиятдинова «Влияние агрессивной среды грунтовых вод и почвы на бетон и способы его защиты».

Особенно заинтересовал участников конференции рассказ заслуженного доцента А. Щеглова, одного из авторов механизма полуавтомата для сухого прессования кирпича, о его изобретении.

Не отставали от своих наставников и курсанты всех трех курсов факультета: А. Абдукаримов, Р. Кучалиев, А. Шарипов, Д. Сафаров. В их выступлениях и сообщениях был представлен не только обзор достижений науки и техники по тому или иному вопросу, но и содержались конкретные практические предложения по совершенствованию строительного дела.

К конференции курсантами были подготовлены красочные карты, плакаты, схемы, графики, иллюстрирующие каждое выступление.

Конференция прошла интересно и живо. Активность аудитории выразилась в большом количестве вопросов, добавлений, пожеланий, высказанных присутствовавшими.

По итогам работы конференции принято решение, в котором высказано пожелание шире привлекать курсантов к научно-практическим углубленным исследованиям по дисциплинам строительных специальностей, предложено организовать при кафедрах постоянно действующие научно-технические секции и школы курсантов.

Н. ДАНОВСКАЯ.

КУРСАНТЫ РВУТСЯ К ЗНАНИЯМ

Достигнутый в нашей стране уровень индустриализации, применение современных строительных материалов и конструкций, улучшенных типовых проектов, внедрение прогрессивной технологии, комплексной механизации обеспечили быстрые темпы роста объемов капитального строительства, повысили эксплуатационные показатели зданий и сооружений.

Правительство Узбекистана и лично Президент республики Ислам Абдуганиевич Каримов придают вопросам улучшения строительства огромное значение. Свидетельство тому — Указ Президента о градостроительстве и архитектуре, постановления правительства в области капитального строительства.

● ЧЕГАРА ҚУШИНЛАРИДА

САРҲАДЛАРИМИЗ БЎЛАЖАК ҲИМОЯЧИЛАРИ

Бугунги кунда она юртнинг ҳар қарич ерини кўз қорачиғидек асраш, мингминг йиллик тарихимизни ўз қаърига сингдирган ҳар сиқим тупроқни муқаддас билиш барчамизнинг фарзандлик бурчимиз — бу тушунча кун сайин қалбимизга жо бўлиб бораётганлиги сир эмас. Тошкент олий ҳарбий чегарачилар билим юрти офицер ва курсантлари билан суҳбатлашганимда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Маълумки, юқоридаги фикрларимизнинг қарор топишида чегара қўшинларининг масъулияти беқиёсдир.

— Бизнинг курсимизда жами 85 та бўлажак чегарачилар 3 та мутахассислик: таржимон-референт, чегара қўмондонлиги ва шахсий таркиб билан ишлаш бўйича офицер йўналишлари бўйича таълим олишаяпти, — дейди билим юртининг 3-курс курсанти А. Мамажонов. — Айни вақтда эса ўқув масканимизда ёзги сессиялар давом этаяпти. Синов ва имтиҳонларни топшириб бўлгач эса, аниқроғи, июль ойида курсантларимиз юридик практикага чиқишади. Шу билан бирга бўлажак чегара офицерларимизнинг жисмоний ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлигига ҳам жиддий эътибор берилмоқда, ҳафтада икки марта тарбиявий ишлар билан шуғулланиш соатлари, телевизор ва радио орқали юртимиз ва жаҳонда рўй бераётган иқтисодий-сиёсий янгилик ва воқеалардан бохабар бўлиш, бўш вақтларини қизиқарли ўтказиш учун турли тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказиш кенг кўламда йўлга қўйилган. Уларнинг натижаси бўлса керак, курсантларимиз ҳар соҳада бошқа сафдошларига ўрнак бўлаётирлар. Булар орасида, айниқса, курсантлар Р. Умаров, М. Суяров, А. Отажонов, Ш. Сотимқуловлар алоҳида ҳурматга сазовордирлар. Дарвоқе, яқинда Чирчиқда тайбокс бўйича Ўзбекистон Қуролли Кучлари биринчилиги мусобақаларида курсантларимиз совринли ўринларни қўлга киритиб қайтишди. Сафимизда яккакураш бўйича спорт усталигига номзод курсант Ш. Мирзаабдуллаевнинг борлиги эса жуда қувонарли.

Чегарамиз посбонлари билан суҳбатлашиб қайтар экансан, шундай довюрак ўғлонлари бор экан, ҳеч қандай ёвуз ниятли куч юртимиз сарҳадларини поймол қилиб, муқаддас тупроғимизга қадам қўя олмайди, деган ишончли хулоса қалбимда ўрнашиб қолди.

Н. ХУШВАҚТОВ, ЎзМУ талабаси.

Ҳарбий-сиёсий янгиликлар

ТЕРРОРЧИЛИК ОҚИБАТИДА

Шри-Ланка ҳукумати мамлакат шимолида жойлашган Баттикалоа шаҳрида Тамил айирмачилари террорчилик ҳаракати уюштирганини тасдиқлади. Хабарда айтилишича, 23 киши қурбон бўлган ва юздан ортиқ киши жароҳат олган. Кучли мина одамлар тўпланадиган будда ибодатхонасида портлатилган. Ҳалок бўлганлар орасида 6 нафар ёш бола ҳамда уч нафар полициячи бор.

ТАРТИБСИЗЛИКЛАР ТУҲТАДИ

Фаластин ҳудудида бўлиб ўтаётган тартибсизликлар Исроилнинг Есир Арафот қароргоҳини портлатиш ҳақидаги дўқ-пўписасидан кейингина тўхтади. Бироқ, Исроил адлия вазири Иоси Бейлиннинг таъкидлашича, Исроил томони Есир Арафотга бу тарзда пўписа қилиш ниятида бўлмаган. Эҳтимол, Исроилнинг бирор-бир қизиққонроқ офицери шундай деган бўлиши мумкин.

ЦРУ НАКАЗАЛО ВИНОВНЫХ

Через 11 месяцев после налета на китайское посольство в Белграде госдепартамент США сообщил послу Китая в Америке, что виновники в стратегической ошибке наказаны. Директор ЦРУ Джордж Тенет уволил одного из офицеров разведки, еще шесть получили различные взыскания: от устного предупреждения до письменного выговора.

БОМБАРДИМОН ҚИЛДИ

Туркиядаги Инжирлик ҳарбий базасидан ҳавога кўтарилган АҚШ самолётлари жорий ҳафтада учинчи бор Ироқни бомбардимон қилди. Хабарларга қараганда, улар Башикаҳ тумани ҳудудига зарба берди. Ироқ ҳаво ҳужумидан мудофаа кучлари ҳам Америка самолётларига қарата ўт очди. АҚШ ҳарбийларининг айтишича, барча самолётлар ўз базасига беталафот қайтиб келган.

«СЕСНА» УРИБ ТУШИРИЛДИ

Колумбиянинг қирувчи самолётлари Венесуэлага тегишли бўлган «Сесна» русумли самолётни уриб туширди. Самолётнинг ҳар икки учувчиси ҳалок бўлди. Хабарларга қараганда, ушбу самолёт Атлантика океани томонидан Колумбия ҳудудига рухсатсиз суқилиб кирган ва ерга қўниш тўғрисидаги талабларни бажармаган. Баъзи тахминларга кўра, самолёт гиёҳвандлик савдоси билан шуғулланаётган гуруҳларга тегишли бўлиши мумкин.

ҲУКУМАТ ТАШВИШДА

Австралия ҳукумати Фижидаги вазият ҳамон кескин бўлиб турганидан ташвиш билдирди ва исёнчиларнинг ҳаракатини кескин қоралади. Мамлакат ташқи ишлар вазири Александер Даунер исёнчилар Фижида ўз ҳукуматини тузадиган бўлса, расмий Канберра мазкур давлат билан барча алоқаларни узади, деди.

ҲАРБИЛАР КЕТИШАЁТИР

Эфиопия қўшини Эритрейнинг гарбий туманларидан олиб чиқиб кетилаётир. Эритрея президенти расмий вакилининг журналистларга маълум қилишича, эфиопиялик ҳарбийлар шу кунгача Барэнту ва Тэссэнэй шаҳарларини тарк этди.

ЖАНГЛАР НАТИЖАСИДА

Сьерра-Леонеда ҳаракат қилаётган Бирлашган инқилобий фронт исёнчилари ҳукумат қўшинларига қарши олиб борилган қаттиқ жанглар натижасида стратегик жиҳатдан муҳим бўлган Лунсар шаҳрини қўлга киритди. Шаҳар Фритаундан бор-йўғи 80 километр узоқликда бўлиб, пойтахти мамлакатнинг шимолий қисми билан боғловчи асосий йўлда жойлашган.

ВАЗИЯТ ЎЗГАРДИ

Европа Иттифоқи — АҚШ саммитида иштирок этган Оқ уй раҳбари Билл Клинтон Исроил ҳарбийларининг Ливан жанубидан чиқиб кетиши Яқин Шарқдаги вазиятни ўзгартирганини айтди. Бу ҳол тинчлик музокараларини янада фаоллаштириш заруратини туғдирмоқда, деди у.

Матбуот материаллари асосида тайёрланди.

● В ПОМОЩЬ ОРГАНИЗАТОРАМ ЕДИНОГО ДНЯ ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКИХ ЗНАНИЙ

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН НА ПОРОГЕ XXI ВЕКА

В соответствии с планом мероприятий Управления по работе с личным составом Министерства обороны Республики Узбекистан 7 июня во всех частях и подразделениях Вооруженных Сил проводится единый день общественно-политических знаний по материалам 2-й сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан второго созыва и выступлению на ней Президента страны И. А. Каримова. Тема единого дня — «Дальнейшее совершенствование законотворческого процесса, обеспечение верховенства закона в жизни и деятельности страны — стратегическая линия развития республики».

Изучение данной темы поможет воинам глубже осознать ответственность переживаемого страной периода по дальнейшему совершенствованию нашей политической системы, позышению активности политических партий и всех членов нашего общества и необходимость качественного реформирования Вооруженных Сил, повышения их боевой готовности, бдительности, укрепления в частях и подразделениях уставного правопорядка.

Учитывая большое политическое значение изучаемой темы, целесообразно к ее проведению привлечь наших парламентариев, народных депутатов местных Советов, наиболее подготовленных офицеров управлений, отделов и служб, командиров частей и подразделений.

В содержании темы целесообразно рассмотреть два основных вопроса:

1. Совершенствование законотворчества, обеспечение верховенства закона — стратегическая линия развития нашей республики.

2. Военная реформа, укрепление в Вооруженных Силах законности и правопорядка — составная часть новой стратегии страны.

В кратком вступлении необходимо подчеркнуть, что стратегическая программа развития нашей страны на пороге XXI века, выдвинутая Президентом И. А. Каримовым в докладе «Узбекистан, устремленный в XXI век» и на первой сессии Олий Мажлиса второго созыва, сегодня целенаправленно переводится в плоскость практической работы, реализуется в экономической, политической, социальной и духовной сферах. Успешное претворение этой Программы в жизнь во многом зависит от деятельности парламента страны, общественно-политической и организационной деятельности политических партий, их фракций и блоков, от активности всех членов нашего общества. Поэтому одним из первых вопросов повестки дня второй сессии Олий Мажлиса второго созыва стало обсуждение документа «О приоритетах законотворческой и контрольной деятельности комитетов и комиссий Олий Мажлиса Республики Узбекистан на 2000—2002 годы, вытекающие из доклада Президента Республики Узбекистан И. А. Каримова на первой сессии Олий Мажлиса второго созыва».

При рассмотрении первого вопроса следует подчеркнуть, что народным избранникам предстояло определить основные приоритеты, цели и задачи парламента на пороге XXI века и решить, какие законы нужно принять в первую очередь, какие изменить и дополнить в новых исторических условиях. Необходимость такой работы диктуется самим временем, развитием нашего государства, дальнейшей либерализацией всех сторон его общественно-политической жизни. **Сущность дальнейшего совершенствования законотворчества состоит в правовом обеспечении углубляющихся реформ, в создании наиболее благоприятного правового поля для всех граждан страны в условиях углубляющегося процесса строительства правового, демократического государства, гражданского общества.**

По каким направлениям должна строиться эта работа?

